

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТАЛАБЛАР

Насиба Холбоевна Элмурзаева

Тошкент вилоят Чирчик давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этишга қўйиладиган педагогик талаблар ёритилган.

Калит сўзлар. Ақли заиф ўқувчилар, ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалар, таълим жараёни, таълим мазмуни, педагогик талаблар.

PEDAGOGICAL REQUIREMENTS FOR THE ORGANIZATION OF THE EDUCATIONAL PROCESS IN SPECIALIZED STATE EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Nasiba Kholboevna Elmurzaeva

Senior teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

The article describes the pedagogical requirements for the organization of the educational process in state specialized educational institutions.

Keywords. Mentally retarded students, specialized state educational institutions, educational process, training content, pedagogical requirements.

КИРИШ

Ривожланган мамлакатларда имконияти чекланган ўқувчиларга бериладиган таълим-тарбия асосий стратегик йўналишлардан этиб белгиланган. Бирлашган миллатлар ташкилоти, ЮНИСЕФ, Бутун жаҳон банки ҳамкорлигида Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида бўлиб ўтган бутун жаҳон таълим муаммолари Форумида мазкур халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар томонидан қабул қилинган 2030 йилгача бўлган давр янги таълим концепциясида “таълим ва тарбия тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадлариiga етакловчи муҳим фаолият” эканлиги қайд этилган.

Жаҳонда ривожланишида нуқсони бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтоҷ бўлган болаларнинг ижтиомий кафолатларини таъминлаш, уларда таълим тарбия олишлари ва жамиятга интеграциясини таъминловчи зарур мослашув муҳитини яратиш, имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг дифференциаллашган тармоқларини мақбуллаштириш бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилган. масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу билан бирга ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим тарбия жараёнини ташкил этиш механизmlарини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамлакатимиз ҳаётига энг илғор технологияларнинг жадал суръатлар билан кириб келаётганлиги боис, имконияти чекланган ўқувчиларга бериладиган таълим натижаси ҳам қабул қилинган андозалар даражасига кўтариш ва баҳолашга оид усуллар, воситалар, таълимнинг ташкилий шаклларини белгилашни тақозо этади. Бу борадаги мавжуд тадқиқотлар етарли даражада таъминланмаганлиги тадқиқ этилаётган муаммонинг долзарблигини белгилайди.

Ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этишга қўйиладиган асосий талаблар ўқувчига атроф муҳитда унга мослашишга ёрдам берадиган, жамиятда ўз ўрнини топишга, имкон борича, мустақил бўлишга имкон берадиган таълим жараёни бўлиши лозим. Бунда ўқитувчилар ишларининг ўзига хос хусусияти биринчи навбатда таълим ва тарбияни ягона илм олишга ёрдам берадиган даражада бирлаштиришдан иборат[1-4].

Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари таълим-тарбия бериш, жисмоний ёки руҳий ривожланишида турли нуқсонлари бўлган болаларнинг умумий ўрта ва касб-хунарга доир маълумот олишда, жамиятга мослашуви ва интеграциялашувида кўмаклашиш, бунинг учун зарур шартшароитлар яратиш шунингдек, ижтиомий ёрдамга муҳтоҷ оиласаларга имконияти чекланган фарзандларини тарбиялаш ва таълим беришда ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилади.

Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаларининг асосий вазифаларига қўйидагилар киради:

умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган (ақли заиф болалар учун) махсус таълим талабларига мувофиқ билим олишларини таъминлаш;

шахсга йўналтирилган, ижтимоийлашувга қаратилган таълим тизимида ўкувчиларнинг энг мақбул ривожланишини таъминлаш мақсадида, табақалаштирилган ва индивидуал ёндошган таълим жараёнини ташкиллаштириш;

шахсий, оилавий, ижтимоий ҳаётида ва меҳнат фаолиятида ҳулқ атворнинг энг мақбул моделини шакллантириш орқали шахсни тарбиялаш.

Ҳар бир шахс ҳаётий фаолиятининг турли соҳасига, унинг мазкур жамиятнинг маданиятига иштирок эттиришга тайёрлаш ва ўз ичига олиш функциясини (вазифасини) ижтимоий институт бажаради. Илм олиш – ҳар бир шахснинг ижтимоий ҳақ-хуқуқлари (статуси) нинг кўрсаткичларидан бири ва жамиятнинг ижтимоий таркибининг худди ўзидай, қандай бўлса, шундайлигича айтиб бериш ва ўзгариш омилларидан биридир.

Таълим мазмунининг тўғри танланиши ва унинг эшиттиришларнинг ишонч билан қўлланган методлари ақлий, ижтимоий ва шахсий ривожланишни таъминлайди.

Имконияти чекланган ўкувчиларда нутқнинг бузилиш тизимили характерга эга. Уларда нутқий фаолият билан боғлик барча ҳаракатларнинг уёки бу даражада шаклланмаганлиги намоён бўладики, булар мотивациянинг заифлиги, нутқий муносабатга бўлган талабнинг пасайиши, нутқ фаолиятини қўпол бузилиши, нутқий ҳаракатларнинг ички программаси, нутқий программанинг қўлланиши, нутқ устидан назорат, олдиндан уйланган натижани таққослаш операцияларини бузилиши кабилардир.

Имконияти чекланган ўкувчиларда нутқий баён қилиш турли даражада бузилади (мазмунан, тил жиҳатидан, сенсомотор даражада). Энг ривожланмаганлари мураккаб даражалар (мазмун, тилга оид) ҳисобланади. Улар юқори даражада шаклланган таҳлил ҳаракатлари, синтез, умумлашмаликни талаб этади. Бундай болаларда нутқнинг сенсомотор даражаси турлича кечади. Юқори синфларга бориб қўпчилик ўкувчиларда нутқнинг фонетик нуқсонлари, мотор даражаларининг бузулишларининг йўқолишлари рўй беради. Шу билан бир вақтда бу болаларда тил ва семантич даражаларнинг ривожланиши меъёрга етмай қолади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Имконияти чекланган ўқувчиларда нутқнинг бузилиши турли кўринишларда бўлади ва уларни таҳдил этишда дифференциал ёндошишни талаб этилади. Симптоматика (касаллик белгиларининг йигиндиси) ва нутқ бузилишининг механизми фақатгина мия системасининг умумий ривожланмай қолишидагина эмас, балки, нутқقا бевосита алоқадор бўлган системанинг локал потологияси томонидан белгиланади. Бу эса имконияти чекланган ўқувчиларда нутқ бузулишлари кўринишини янада мураккаблаштиради.

Нормал болалардаги сингари, имконияти чекланган ўқувчиларда ҳам нутқ бузилишининг барча шакллари учрайди. Имконияти чекланган ўқувчиларда нутқ бузилиши узининг узоқ вақт сақланиши билан характерланади ва ёрдамчи мактабларнинг юқори синфларгача бўлган давр оралиғида сақланиб, қийинчилик билан бартараф қилинади.

Ақли заиф ўқувчиларда нутқ товушларини бузиб талаффуз қилиш билан бир қаторда товушларни алмаштириб қўллаш сезиларли даражада учрайди. Товуш талаффуз қилишнинг мономорф бузилишида товушларни нотўғри талаффуз қилиш товушларни алмаштиришга қараганда сезиларли даражада, тахминан 2,5 марта га зиёдроқ бўлади. Полиморф бузилишда эса товушларни алмаштириш ва товушларни бузиб талаффуз қилиш нисбатан бир хил микдорда учрайди.

Имконияти чекланган ўқувчиларда товуш талаффузидаги бузилишларнинг навбатдаги ўзига хослиги, мустақил нутқдаги ўхшаш бўлган, аник, равshan артикулятор қурилмаларнинг фойдаланишида намоён бўлади.

Агар таълимга педагогика нуқтаи назаридан қаралса, асосий ва ўзига хослик таълим жараёнининг икки томонлами – ўқитиш ва ўргатиш жараёни муносабатлари бўлиб чиқади. Ўқитмоқ – ким ўргатса, ўша фаолият, таълим бериш эса – ким ўрганса, ўша фаолият. Билиш фаолияти таълимдан ташқари, ўқитувчисиз амалга оширилиши мумкин, модомики шундай экан, у таълим учун ўзига хос эмас. Лекин, ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган фаолият – ўқитиш ва таълим бериш фақат таълим бериш жараёнида амалга оширилади. «Ўқитиш - ўргатиш» дидактик муносабатлари ўқувчиларнинг билиш фаолияти ўқитувчи томонидан аниқ мақсадга эга бўлган маҳсус режа бўйича йўналтирилгандагина юзага келади. Ўқитиш ва ўргатиш муносабатлари таълимнинг педагогик фаолият тарзидаги ўзига хос ижтимоий моқиятини белгилайди. Таълимнинг бошқа зарур тавсифи таълим ва тарбиянинг бирлиги сабабли ўқитиш жараёнида фақат билимлар ўзлаштирилиб қолмай, балки ишонч, эътиқод, ахлоқий фазилатлар, характер хусусиятлар шаклланади.

Ўқитиши (таълим бериш) жараёнининг қуйидаги таркибий қисмлар билан белгиланади:

- аниқ мақсадли;
- талаблар, асослар;
- сермазмун;
- операцион-фаолиятли;
- таъсирчан-иродали;
- назорат қилиб бошқарадиган;
- баҳо қўйиш билан боғлиқ бўлган самаралилик.

Ақли заиф ўқувчилар ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида дарслар турли-туман тарзда бўлса қам, ўқитувчи ҳар бир дарснинг ўз мақсади ва мазмунига, материалнинг қажми ва характеристига қўра ҳамма типдаги дарслар учун умумий бўлган асосий талаблардан келиб чиқиши керак. Бу талаблар қуйидаги натижалардан иборат бўлади:

Ҳар бир дарс педагог ва ўқувчилар ҳаракат қилиб интилган у ёки бу асосий сўнгги натижаларга, тасаввур қилинган мақсадга эга бўлиши керак. Ўқитувчи дарсга тайёрланиш жараёнида энг аввало унинг мақсадини аниқ тасаввур қилиши режада ёки дарснинг конспектида уни тўғри шакллантириши зарур.

Ҳар бир ягона мақсад бешта асосий хусусиятларга эга бўлиши керак:

- мазмуннинг мукаммаллигига;
- кутилган натижанинг назорат қилинишига;
- вақтли аниқликка;
- асослилигига (ўқувчилар имкониятининг мослигига);
- бирор ишга ундаш (шахснинг фаолиятидаги далилларга мос равища).

Мақсадга эришиш фақат мазкур дарсга қўйилган вазифаларни аниқ ҳал қилиш билан таъминланади. Ҳар бир ўқув машғулотларини ўтказишида ўзаро бир-бирига узвий боғлиқ бўлган учта асосий гурух вазифалари амалга оширилади:

• ўқитувчи илмни оширадиган вазифаларни амалга ошириш учун ақли заиф ўқувчиларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилишда маҳсус дидактик тамойилларга асосланиши зарур;

• ўқувчиларнинг билим ва малакалар билан шуғулланишида уларнинг ўкув-билиш фаолиятини рағбатлантириши ва бу фаолиятнинг руҳий-педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаши керак. Ҳар бир дарс ўзида муайян тематикадаги дарслар-занжирининг умумий қисмини акс эттириши керак. Ижтимоий-маиший йўналишдаги дарсларда олинган билимлар уларнинг илгари ўзлаштирган

тушунчалари билан боғланиб, унга асосланиши зарур. Бу билан янги билимлар ўзлаштирилиши билан бирга, ўтилган материаллар ҳам мустақкамланади;

• ақли заиф ўқувчиларнинг фикрлашини (хотира, дикқат-эътибор, хиссий-иродавий фазилатлар, меҳнатга қобилиятлилик) мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширишни кўзда тутади. Ҳар бир дарс ўзлаштиришни яхшилашга йўналтирилган бўлиши керак, компенсатор механизмларини ҳаракатга келтиришга имкон бериши зарур. Бунинг ўқитувчи таълимнинг ҳамма босқичларида яхшилаш ишларида режалаштириш ва яккалик-якка ёндашув ишларини амалга оширишда ўқувчининг шахсан ривожланиши кўра билиши керак;

• тарбиявий вазифалар-шахснинг ҳақиқий, ижобий фазилатларини, дунёқарашини, ахлоқий ишонч, бадиий маданиятни шакллантириш мақсади.

Таълим жараёнида амалга ошириладиган тарбия ўқитувчидан қўйидагиларни талаб қиласди:

- ақли заиф ўқувчиларнинг у ёки бу педагогик вазиятларда уларнинг ахлоқини, ишлари, муомалалари, таъсирланишларини таҳлил қилишни билиши ва руҳий-педагогик жиҳатдан изоҳлаши керак;

- ўқувчиларнинг ёши ва шахсий имкониятларига қараб тарбиянинг восита, усусларидан фойдаланиш;

- мустақилликни шакллантириш учун меҳнат фаолиятини ташкил қилиш, жумладан, ўзига-ўзи хизмат қилишга оид фаолиятни шакллантириш учун шароит яратиш;

- ақли заиф ўқувчиларнинг ижтимоий интеграция муаммоларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, уни ҳал қилиш шартлари ва имкониятлари;

- ақли заиф ўқувчиларнинг касбга яроқлилигига ташхис ўтказиш ва касбга йўналтиришга оид маслаҳат бериш.

Илм олишга, яхшилаш - ривожлантириш ва тарбиявий вазифалар дарсларда таълимнинг турли усусларини қўллашни талаб қиласди. Таълим усули деганда йўлни ўқитувчининг берадиган билими ва ўкувчиларнинг билим, кўнишка ва малакаларни ўзлаштиришини тушуниш қабул қилинган.

Таълим мазмуни (дастур) таълимнинг ташкилий усули бўлиб (дарс) ва таълим методлари ўзаро ўзвий бокланишда бўлади, лекин бу тушунчалар чегараланган бўлади.

Дастур таълим мазмунини, яъни ўқувчилар ўзлаштириши керак бўлган билимларнинг ҳажми ва ихчиллигини белгилаб беради.

Дарс-таълимнинг ташкилий шаклидир.

Таълим методи ўқитувчининг берадиган билимининг усулини таълимнинг у ёки бу шакли шароитида ушбу фан бўйича ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришини белгилайди. Таълим методини шунингдек ақли заиф ўқувчиларнинг таълими воситаларини шошмай ўйлаб кўриб олиб бориш зарур.

Дарсда қўлланадиган усуллар жумладан ўқитувчининг ҳикояси, сухбат, кузатиш в.х. мавзу ва аниқ машғулотнинг мазмунига боғлиқ бўлади. Таълим усуллари ўқувчининг руҳига, ёшига қараб ва ўзига хос алоҳида хусусиятлари (ўқувчи камчилигининг ўзига хос хусусияти ва унинг компенсация даражаси) га мослаб танланади.

Таълим усулларининг аниқ белгиланган тартиби мавжуд бўлиб, улар қуидагида фарқланади:

- билим манбалари бўйича (оғзаки тушунтириш, кўргазмали, амалий);
- ўқувчиларнинг билиш фаолиятига хос (тушунтириш-тасвирий, репродуктив, муаммоли, қисман-изланишли, тадқиқотли);
- дидактик мақсадларга оид (янги билимларни баён қилиш усули, такрорлаш, билимларни мустақкамлаш, назорат қилиш усули).

Материални оғзаки баён қилиш - таълимнинг энг қулай ва такомиллашган усулидир. Тўғри, ақли заиф ўқувчилар оғзаки нутқни қабул қилишда, идрок қилишда қийинчиликка дуч келадилар, чунки уларнинг диққати ўзгарувчан, қисқача вақт оралигғида улар чалғиб, бошқа иш билан шуғулланиб қоладилар ва ўқитувчи ҳикоясининг бошланиш учини йўқотиб қўядилар. Шундай бўлсада, ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасиларда бу усул таълимда етакчи ўринни эгаллайди, амалда тўлиқ равишда ўзини оқлаган. Ўқитувчи томонидан баён қилинадиган материал бир қанча шаклларга эга бўлиши мумкин:

- кўргазмали қуроллардан фойдаланмаслик;
- кўразмали қуролдан фойдаланиш;
- таълимнинг турлича техника воситаларидан фойдаланиш (видеопроектор, диафилм, диапозитив, видеофилм).

Сухбат – таълимнинг савол-жавоб усулини кўзда тутади. Ўқитувчи таълим жараёнида ақли заиф ўқувчиларнинг бир қатор ўзига хос хусусиятларини хисобга олиб, материални тўғри ўзлаштиришини, фикрлаш фаолиятига шароит яратишни талаб қиласиган сухбат усулини тез-тез ўзгартириб туради. Ўқитувчи усталик билан қўйилган саволлар асосида ўқувчиларнинг мустақил холосалар чиқаришларини уйғотади. Бундан ташқари,

сұхбат усули ақли заиф үқувчиларнинг оғзаки нутқда мухим ва зарур ҳисобланган ўз фикрларини ифодалай билишга ўргатади.

Сұхбат усулини қўллашга қўйидагилар имкон яратади:

- ўқитувчи сұхбат давомида үқувчиларга берадиган саволлари яхши ўйланган бўлиши керак. Саволлар ҳечқандай фикр юритадиган ёки иккиланадиган жавоблардан иборат бўлмаслиги керак. Ўқувчиларнинг ўрганилган материални тушунишларини ва уларнинг оғзаки нутқини текшириш мақсадида саволларни ўзгартириб туриш зарур;

- үқувчиларнинг жавобларига қўйиладиган талаблар. Жавоблар моҳиятига ва усулига кўра тўғри ва тўлиқ бўлиши керак. Жавобларда үқувчилар нутқидаги аграмматизмларни, нотўғри ургуни тўғрилаш, иборани саводли равишда такрорлашни сўраш керак.

Ақли заиф үқувчиларни китоб билан, матн билан ишлашга ўргатиш ўта мухим. Китоб, дарслик, матн, турли-туман қўлланмалар билимларни мустақкамлашга ёрдам беради[3,4]. Ўқувчилар нашр қилинган матнлар билан ишлаб, аста-секин мустақил ўқиш ва ўқилгани тушунишни ўрганиб борадилар. Изоҳли ўқиш айрим сўз ва ифодаларни, шунингдек, бутун матннинг маъносини билиб аниқлаб олишга имкон яратади. Ўқувчилар ифодали ўқиш дарсларида умумий маълумот берадиган билимларни эгаллайдилар, шу билан бирга, сўз бойлигини хегаллаб, тўплайдилар, оғзаки-мантиқий нутқ ва фикрлаш фаолиятларини ривожлантирадилар.

Ақли заиф үқувчиларни ижтимоий меҳнатга ўргатишда ишлаб чиқариш амалиётига ортиқча баҳо бериш қийин. Тўғри, ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси үқувчилари билан ишлаб чиқариш амалиёти ўтказиш талай қийинчиликларни вужудга келтиради. Ўқитувчи ишлаб чиқариш амалиёти вақтида тушунтиришларни етарли равишда мураккаб олиб бориши, үқувчилар билан мустақкам муносабатда бўлиши керак, чунки улар тез-тез чалғиб турадилар, уларнинг диққатини бир жойга тўплаш қийин. Шунинг учун ўқитувчи қўйидагиларга алоҳида эътибор бериши зарур:

- ишлаб чиқариш амалиётининг мақсади, мазмунини, тушунтириш усувларини аниқ белгилаб, ишлаб чиқариш амалиётига астойдил, пухталик билан тайёрланиши керак;

- үқувчиларни ишлаб чиқариш амалиётининг мақсади, мазмуни, уни ташкил қилиш, ишлаб чиқариш амалиётида ишлаш усувлари, эгаллаётган касби ҳақида сўзлашга, ишлаб чиқариш амалиёти вақтида берилган саволга жавоблар топишга тайёрлаш керак;

- ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш даврида ўкувчилардан бирортасини ҳам четда қолдирмай, ҳамма ўкувчилар ўрганилаётган материалнинг маъносини тушуниб, янги билимларни эгаллаб олишларига интилиш лозим;

- ишлаб чиқариш амалиётидан сўнг албатта, ишлаб чиқариш амалиёти материалини мустахкамлаш мақсадида сухбат ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари ўкувчиларини ҳаётга тайёрлаш ўта муҳим, жумладан ишларга ўргатиш, масалан тарелканинг юзини идиш ювиш учун ишлатиладиган суюқликнинг таъсирида ёғсизлантириш, кир ювишдан олдин кийимларни хўллаш, кийимдан уйдаги воситалар ёрдамида доғни кетказиш, сувнинг ҳароратини ўлчаш, консервалаш учун маринад тайёрлаш ва ҳоказо.

Ўкувчилар машғулотнинг боришида улар ўрганган дастур материалини яхши англаши ва эсда қолдириши лозим. Ақли заиф ўкувчилар машғулотни тўғри тушуниши учун ўқитувчининг рақбарлигига эҳтиёж сезадилар.

Асосий қоидаларни хотирада сақлаш, уларни ёзиб боришини ўргатиш лозим. Ўқитувчи бунинг учун ўкувчиларга доскада, китобда, газета ва бошқаларда ёзилган матнлардан асосий фикрни ажратишни тавсия қилиши ва уни дафтарига ёзиб олишларини талаб қилиши лозим.

Билим, кўнирма ва малакаларни бир-биридан ажратиб бўлмаслиги, чамбарчас боғлиқлиги ҳаммага яхши маълум. Ақли заиф ўкувчилар кўпайтириш жадвалини яхши билишлари мумкин, лекин уни амалда қўллашни эплай олмайдилар, ёки грамматика қоидаларига сўзларни ёзишда риоя қилмайдилар, 1 литр 100 мл га тенглигини билишлари мумкин, лекин шу ҳажмдаги сувни 250 мл сиқимдаги стакан билан ўлчашнинг уддасидан чиқа олмайдилар, қайта-қайта такрорлаш жараёнида маҳсус ташкил қилинган машғулотларда олинган билимларни амалда қўллашни билиш зарур.

ХУЛОСА

Ақли заиф ўкувчиларнинг билимларини тўғри назорат қилиш бирмунча мураккаблик жараён бўлиб, ақли заиф ўкувчи билимини ҳар доим ҳам қийинчиликсиз баён қила олмайди, нутқидан фойдаланишни билмайди[4]. Шунинг учун билимларни фақат оғзаки нутқ орқали аниқлашни тўлиқ ва холисона тан олмаслик мумкин эмас. Ақлий ривожланиши муаммоси ўкувчиларнинг бундай ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, текширишга оид ишларнинг бир қанча турларини ташкил қилиш зарур, шунингдек, ўкувчиларнинг билимини текширишнинг турли усусларини қўллай билиш

мақсадга мувофиқ. Бунда үқитувчи үкувчиларнинг фаолиятини турли томондан таҳлил қилишга эришиш учун, албатта, үкувчиларнинг олган билимларини кундалик ҳаётда, амалда қўллай билишларини эътиборга олиши зарур.

REFERENCES

1. Байтингер И.Е. Творческая деятельность детей-сирот младшего школьного возраста как фактор социально-педагогической адаптации в условиях детского дома. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. Челябинск. 2000. 22 стр.
2. Гребенникова И.А. Изучение сензитивного периода формирования экологической культуры у умственно отсталых учащихся. // Вестник Череповецкого государственного университета. – Череповец. – 2010. – №3. – с. 5-8.
3. Элмурзаева Н.Х. Организационно-педагогические условия профессионального обучения в промышленном колледже учащихся с ограниченными возможностями здоровья. Актуальные проблемы современной науки. Информационно-аналитический журнал. - Россия. Москва: 2012. 0,3 п.л.
4. Elmurzayeva N.X. Organizational and pedagogical conditions professional training in industrial college students with disabilities. USA. Ny-uork.: 2013. 0,5 п.л.
5. Халилова, М. А., & Мухитдинова, М. (2020). Мактабгача таълим ташкилотларида ахборот-компьютер технологияларини мусиқа тарбияси воситаси сифатида қўллашнинг хусусиятлари. *Халқ таълими*, 3(0056), 4.
6. Жабборова, О. М., & Бозоров, Н. Н. (2020). ЎҚИТИШНИНГ КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (4), 373-377.
7. Тожибоева, Г. Р., & Бекирова, Э. Р. (2020). АКТУАЛИЗАЦИЯ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (4), 389-395.
8. Қораев, С. Б. (2020). ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ЎҚУВ АМАЛИЁТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 1281-1286.
9. Lutfillo Karamatilloevich Akhatov, Akbar NomozovichRasulov, Oybek Kakhrmonovich Mirzorakhimov, Mirzokhid Latipovich Sharipov, & Farkhodjon Anvarjon-ugli Ibrokhimov. (2020). The Outlookings of Religious and Sufism in Teaching of Abdurakhman Jami. Journal of Critical Reviews, 7(17), 112-116.
10. Nazirov, Н. Н., Ismayilov, A. Z., & Rasulov, A. N. (2020). The Impact of Economic Factors on the Family Crisis. Евразийский союз ученых, 6(75), 64-65.
11. Қораев, С. Б. (2020). ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ЎҚУВ АМАЛИЁТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 1281-1286
12. Jabborova Onahon Mannopovna, Jumanova Fatima Uralovna, & Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of Artistic Perception of Future Teachers. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(4), 4087-4095.
13. Тажибоева, Г. Р. (2020). Социальные проблемы и перспективы интеграционного обучения. Журнал научных и прикладных исследований, 1, 54- 55. 10.

14. Тожибоева, Г. Р. (2020). Психолого-педагогическая компетентность учителя начальных классов. *Science and World*, 1(77), 32-33.
15. Avlaev, O. U., Burkhanov, A. A., Ismoilova, D. M., & Norkuzieva, M. A. (2020). Factors Affecting the Intellectual Dynamics of the Individual. *Test Engineering & Management*, 83, 693-702.
16. Mirzarahimova, G. I. (2020). Pedagogical and Psychological Bases of Development of Educational Activity in Students. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 7021-7030.
17. Қораев, С. Б. (2020). Профессионал таълимда ўқув амалиётларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. *Academic research in educational sciences*, 1(3).
18. Shagiyeva, N. (2020). The role of information technologies to teach Russian language. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(7).
19. Эшманова, Н. Н., & Матьякубова, М. Б. (2019). Тарбиячиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш. *Таълимдаги инновациялар ва ислоҳотлар контекстида замонавий кластер тизими:муаммолар, ёндашувлар ва истиқболлар*, 1, 33-34.
20. Махкамова, Ш. Р., & Асадуллаева, М. А. (2020). «Великий шёлковый путь»: взаимодействие культур запада и востока в контексте проблемы модернизации музыкального образования в узбекистане. *Science and Education*, 1(4).
21. Бегматов, Б. Б. (2020). Роль и функции русского языка в условиях суверенного Узбекистана. *Наука и общество*, 1(65), 33-37.
22. Ражапова, И. Т. (2019). Методика обучения видам русского глаголав. *Илм сарчашмалари*.
23. Рустамова, С. Э. (2020). Применение технологии полного усвоения знаний в высшем образовательном учреждении. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (3), 360-368.
24. Ўтаев, А. Й. (2019). Бўлажак ўқитувчилар сиёсий маданиятини шаклантиришнинг кластер тизими. "Таълимдаги инновациялар ва ислоҳотлар контекстида замонавий кластер тизими: муаммолар, ёндашувлар ва истиқболлар" мавзусидаги илмий-амалий анжуман илмий ишлар тўплами, 2, 50-53.
25. Абдусаматова, Ш. С., & Бурханова, М. Б. (2020). Кўп фарзандли ота-оналарининг оиласадаги муносабатларининг хусусиятлари. *Oriental Art and Culture*, (4).
26. Шакирова, Р. Р. (2019). Отличительные особенности рассказа от других эпических жанров. *Polish science journal*, 169-172.